

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2024 йил август ойининг 26 куни жиноят ишлари бўйича Оҳангарон туман суди ўз биносида очиқ суд мажлиси бўлиб, раислик қилувчи судья Н.Қурбонов, судья ёрдамчиси Х.Анаркуловнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Оҳангарон туман прокурорининг катта ёрдамчиси Ж.Саидов, судланувчи Д.Шамсиев ва унинг адвокати Э.Латиповнинг иштирокида,

1995 йил 28 сентябрда Навоий вилояти Қизилтепа туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали, маълумоти ўрта, мавсумий ишчи, мукофот олмаган, депутатликка сайланмаган, харбий хизматга мажбур, Навоий вилояти, Қизилтепа тумани, Ванғози МФЙ, Қўрғон кўчаси, 18-уйда яшовчи, унга нисбатан 04.07.2024 йил “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган,
Шамсиев Дилмурод Ҳусниддин ўғли
(Shamsiyev Dilmurod Husniddin o'g'li)

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 276-моддасининг 1-қисми билан айблаш ҳақидаги **1-1111-2402/168-сонли** жиноят ишини кўриб чиқиб, судланувчи ва гувоҳларни кўрсатувларини тинглаб, иш бўйича тўпланган ҳужжатларни атрофлича таҳлил қилиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Судланувчи Д.Шамсиев 2024 йил июнь ойида Навоий вилояти, Қизилтепа тумани, “Ванғози” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги дала майдонларида ёввойи ҳолда ўсиб турган “наша” гиёҳвандлик воситаларини келгусида истеъмоли учун териб олиб, ўзини ёнида сақлаб келиб, 2024 йилни 01 июль куни соат 11.00 ларда Оҳангарон тумани ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда Г.Ёдгорованинг номида бўлган бошқарувидаги “Ласетти” русумли давлат рақам белгиси 85 Н 080 НА бўлган автотранспорт воситаси Оҳангарон тумани ҳудудида жойлашган “Чинор” ЙПХ масканида тўхтатилиб кўздан кечирилганида қора рангли спорт ичида 1 дона “kent” номли тамаки қутиси ичидан 4 дона “беломорканал” номли тамаки махсулотида марихуана гиёҳвандлик моддаси борлиги аниқланган.

Тошкент вилояти ИИББ ЭКМнинг 02.07.2024 йилдаги №1123-сонли экспертиза хулосасида Д.Шамсиевдан ашёвий далил тариқасида расмийлаштириб олинган полимер пакет ичидаги “kent” ёзувли сигарет қутиси ичидаги 4 дона “беломорканал” папирослари ичидаги ўсимлик



моддалари қуритилган майдаланган гиёхванд модда тетрагидроканнабинол мавжуд бўлган модда МАРИХУАНА эканлиги, унинг умумий соф оғирлиги 1.84 (бир бутун юздан саксон тўрт) граммни ташкил этиши кўрсатилган.

Марихуана Ўзбекистон Республикаси гиёхванд моддаларни назорат қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси гиёхванд моддаларни ноқонуний айланиши ҳақидаги рўйхатига кўра тақиқланган гиёхванд воситалар туркумига киришлиши кўрсатилган.

Судланувчи Д.Шасиев судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2024 йилни июнь ойини охирларида Қизилтепа тумани Ванғози МФЙни дала майдонида ёввойи холатда ўсиб ётган наша гиёхвандлик моддаларини териб олиб, уларни қуришиб 5 дона “беломорканал” номли тамаки махсулотига нашани аралаштириб ўзини ёнида сақлаб келаётганлиги, 2024 йилни 29 июнь куни танишлари билан Наманган вилоятига темир кесадиған дастгоҳ олиб келиш мақсадида боришганлиги, Наманган вилоятида 1 дона “беломорканал” номли тамаки махсулотига қадоқланган наша гиёхвандлик моддасини чекиш йўли билан истемол қилганлиги, 1 июль куни Наманган вилоятидан Зокир исмли танишининг ласетти автомашинасини бошқарибкелаётганида Оҳангарон тумани Чинор МФЙ Чинор ЙПХ масканида ИИБ ходимлари тўхтатишганлиги, холислар иштирокида автомашинани кўздан кечираётганида унга тегишли бўлган қора рангли спорт сумкасида ичидан 1 дона “кент” номли тамаки махсулотини қутиси борлиги қутини ичида 4 дона “беломорканал” номли тамаки махсулоти борлиги, тамаки махсулотига наша гиёхвандлик моддаси қадоқланганлиги аниқланганлиги, ҳозирда қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини баён қилиб, суддан қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Д.Шамсиевнинг айби унинг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатуvidан ташқари, қуйидаги далиллар билан ҳам исботланган.

Гувоҳ М.Саидов судда, 2024 йилни 1 июль куни танишлари Зокир ва Дилмурод билан Зокирга тегишли бўлган қора рангли “Ласетти” русумли давлат рақам белгиси 85 Н 080 НА бўлган автомашинасида Наманган вилоятидан қайтишаётганлиги, Оҳангарон тумани Чинор МФЙ Чинор ЙПХ масканидан 01 июль куни соат 11.00 ларда ИИБ ходимлари бизни тўхтатишиб автомашинани кўздан кечирашганларида Д.Шамсиевга тегишли бўлган қора рангли спорт сумкасида 1 дона “кент” номли тамаки махсулотини қутиси борлиги, қутини ичида 4 дона “беломорканал” номли тамаки махсулоти борлиги тамаки махсулотига наша гиёхвандлик моддаси қадоқланганлиги аниқланганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Судда гувоҳлар Н.Ахмаджонов, Х.Мамаджонов ва З.Иброхимовларнинг кўрсатувлари ўқиб эшиттирилганида тарафлар томонидан эътироз бўлмади.

Судланувчи Д.Шамсиевнинг айби ўз айбига иқрорлиги ҳақидаги кўрсатуви, билдирги, ашёвий далиллар, судга оид кимёвий экспертиза хулосаси, судга оид кимёвий экспертиза хулосаси, юзлаштириш баённомаси, гувоҳларнинг кўрсатувлари ҳамда иш ҳужжатларида тўпланган бошқа



далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топди.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Б.Қўчқоровнинг гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда олиш ва сақлашда ифодаланган қилмиш жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 276-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Суд, судланувчи Д.Шамсиевнинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида эътиборга олиб, унинг ҳаракатларида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши, 4-бандида қонун тайинландиган жазо тури ва меъёрини айбдорнинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ қилиб, қўйганлиги туфайли судлар жиноят ишларини кўриб чиқиш пайтида мазкур ҳолатларни аниқлашлари шартлиги, 5-бандида судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратилмаган ҳолда ахлоқан тузалиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни тайинлаш учун қонунда мавжуд бўлган барча имкониятлардан тўлиқ фойдланишлари кераклиги кўрсатилган.

Суд, судланувчи Д.Шамсиевга нисбатан жазо тайинлашда жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни, шунингдек унинг шахсини, муқаддам судланмаганлигини, ижтимоий фойдали меҳнат фаолияти билан шуғулланиб, оилада ягона боқувчи эканлигини инобатга олиб, у айбланаётган модда жазо санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни, унга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2012 йил 13 декабрдаги “Жиноят ишлари бўйича ашёвий далилларга оид қонунчиликни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисидаги” 17 сонли қарорининг 9-бандида, ашёвий далилларга оид масала қуйидаги қоидаларга риоя этилган ҳолда ҳал этилади: жиноят қуроллари, гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга тегишли бўлганда мусодара қилиниши керак ва улар тегишли муассасаларга топширилади ёки йўқ қилиб юборилиши кўрсатилган.

Шунингдек, суд ҳукм қонуний кучга киргач Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддасига асосан, иш бўйича ашёвий далил тариқасида олинган 1 дона тамаки қутиси ва 4 дона папирусларни тегишли тартибда



йўқ қилишни белгилашни, шунингдек 1,84 гр марихуана гиёҳвандлик моддаси эспертизада сарфланганлигини инобатга олишни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 472-моддаларига асосан, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Шамсиев Дилмурод Хусниддин ўғли (Shamsiyev Dilmurod Husniddin o'g'li) Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 276-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга шу модда иш ҳақининг **15 фоизини** давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда **1 (бир) йил-у 6 (олти) ой** муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазони, мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгилаб берилган жойларда ўтатириш белгилансин.

Жазони ўташ муддати ҳукм қонуний кучга кириб, ИИБ томонидан белгиланган жойга ижрога қаратилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукмни ижро қилиш Навоий вилояти, Қизилтепа туман ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач:

-Д.Шамсиевга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг иш бўйича ашёвий далил тариқасида олиниб, жиноят ишига илов қилинган 1 дона тамаки қутиси ва 4 дона папирислар тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган вақтдан, судланувчилар эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка муддат ичида, шу суд орқали Тошкент вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят ёки протест келтириш, ҳукм қонуний кучга киргач эса шу суд орқали Тошкент вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят ёки протест келтириш, ҳуқуқига эгадирлар.

Раислик қилувчи, судья

Н.Қурбонов

